



Қачон банда касал бўлиб қолса ёки сафарга чиқса, унга соғлом ва муқим пайтида қилган амалларига (ёзилгандек) савоб ёзилиб туради», дедилар

Абу Мусо Ашъарийдан ривоят қилинади: «Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам: «Қачон банда касал бўлиб қолса ёки сафарга чиқса, унга соғлом ва муқим пайтида қилган амалларига (ёзилгандек) савоб ёзилиб туради», дедилар».

[Саҳиҳ] [Имом Бухорий ривояти]

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам Аллоҳ таолонинг раҳмати ва фазли ҳақида хабар бермоқдалар. Агар мусулмон киши бирор яхши амални соғлом ва муқим пайтида қилишга одатланган бўлса, сўнгра касал бўлиб қолса ёки сафарга чиқса ёхуд бошқа бирор узр билан ўша яхши амалини қила олмай қолса, унга шу амалнинг ажри худди соғлом ва муқим вақтида берилгани каби тўлиқ ёзилади.

<https://sunnah.global/hadeeth/uz/show/3553>

